

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

ТИЛАК ЖЎРА ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Лайло Шарипова,

БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Аннотация: XX асрнинг 70-80 йилларида ўзбек шеъриятига бир гуруҳ шоирлар кириб келдилар ва шеъриятимизда жиддий ўзгаришни юзага келтирдилар. Шундай шоирлардан бири Тилак Жўрадир. Унинг шеърияти ўзига хослиги билан фарқланиб туради. Мақолада шу ҳақда фикр боради.

Калит сўзлар: Тилак Жўра, шеърият, лирик қаҳрамон, мавзу, сарлавҳа, қарғиш, публицистика, маънодошлик, бадиият.

THE PECULIARITIES OF TILAK JURA'S POETRY

Laylo Sharipova,

Professor of the Department of Uzbek Language and Literature of BSU, DSc.

Abstract: In the 70s and 80s of the 20th century, a group of poets appeared in Uzbek poetry and brought about a serious change in our poetry. One of the greatest poets is Tilak Jura. His poetry is distinguished by its originality. The article discusses the uniqueness of his poetry.

Key words: Tilak Jura, poetry, lyrical hero, theme, title, anathema, journalism, synonymity, poetics.

ОСОБЕННОСТИ ПОЭЗИИ ТИЛАКА ЖУРЫ

Лайло Шарипова,

профессор кафедры Узбекского языка и литературы БухГУ, DSc.

Аннотация: В 70-х и 80-х годах 20 века группа поэтов вошла в узбекскую поэзию и произвела серьезные изменения в нашей поэзии. Одним из таких поэтов является Тилак Жура. Его поэзия отличается оригинальностью. В статье рассматривается уникальность его поэзии.

Ключевые слова: Тилак Жура, поэзия, лирический герой, тема, название, анафема, публицистика, синонимия, поэтика.

Кириш. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърияти бетакрор шеърият сифатида эътирофга лойиқ. Бу давр шоирлари ўзбек публицистикаси вазифасини ҳам бажаришга чоғландилар. Ватан мустабид тузум қийноғидан чарчаган, шоирларига умидвор боқаётган эди. Шу умидворликдан ғамга ботган, айни дамда, куч-қувват олган шоирлар шеърлари ёрдамида истиқлолни чорладилар. Аммо етук шоирлар шеъриятнинг асл вазифасини унутмадилар. Назми кўнгилнинг кўзгусига айлантира олдилар. Уларнинг сафида Бухоронинг Қоракўлида туғилган, камтар, аммо ғурури осмон, ўжардан ўжар шоири Тилак Жўра бор эди. Ҳам шоир, ҳам олим бўла билган Тилак Жўра ота-онасининг дуосини кўп бор олган, Худо деган эканки, тақдир Ғайбулла Ас Салом каби фозил устозга шогирд, Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов сингари покдомон шоиру олимларга сафдош, Муҳаммад Юсуф сингари беғубор, эл севган шоирлар билан ҳамсуҳбат, дарддош айлади. Унинг ўзига хос шеърияти бор эди...

Муҳокама. Адабиётшунос олим Д.Қуронов мавзунинг икки жиҳати бор деб

билиб, бири ҳаёт материали, бири ижтимоий, маънавий-ахлоқий, фалсафий ва шу каби муаммолар мажмуи [3, 248] деб билади. Шу маънода Тилак Жўра шеърятти мавзусини назардан ўтказсак, барча мавзулар муҳаббат мавзуси атрофида бирлашганини кўриш мумкин. Умид улуғ туйғу, шу сабаб у ҳақида шеърлар кўп. Аммо Тилак Жўра умид ҳақида шундай ёзадики, тафаккури чуқур бўлмаса, шеърхон дабдурустдан англамайди:

Кўриб мендаги гўзаллигини
Кўзлари қамашиб,
Қон бўлиб чопади томирларимда –
Дилбар бир умид... [1,3]

Лирик қаҳрамондаги бу умид шундай гўзалки, ўзининг гўзаллигига боқиб умиднинг кўзи қамашади. Кўзи қамашган умид лирик қаҳрамон томирларидаги қонга, яъни ҳаётга айланади. Энди у шунчаки умид эмас, “Дилбар бир умид”. Шоирнинг фикрни ифодалашини ўзига хос. “Шеърят” шеърда лирик қаҳрамоннинг кимга ёки нимага мурожаат қилаётгани бир қараганда дарров англашилмайди. Чунки шеърда “шеърят” сўзи қўлланмаган. Фақат сарлавҳа шуни англатади. Аммо шеърят ҳақидаги гўзал, бетакрор шеърларга сафдош бу қисқа ҳажмли шеърда ҳеч кимда учрамайдиган ўзбекона ифода бор:

Тутдек тўкилди юрагим
Умидларнинг силкишидан.
Сени соғиниб кутаман
Офтобнинг ҳар чиқишидан [1,4].

Демак, шоирнинг юрагини умидлар шундай силкийдики, юраги тутдай тўкилади. Шоир сўз кўмагида манзара ҳосил қилади. Шу маънода, у – руҳият мусаввири. Тутнинг таналарига сал тегинсангиз, тутлар дувиллаб тўкилади. Аммо пишмаган тут асло тўкилмайди. Ҳаётда шу манзарани кўриб улғайган шеърхон учун юракнинг тутдек тўкилишини англаш осон. Аммо биттагина бўлган юракнинг тутдек тўкилиши учун у минг бўлакка бўлинган, тилка-пора бўлган бўлиши керак. Кейинги сатрларда шоир дабдурустдан офтобни нега соғиниши аёнлашади. Юракнинг тутдек тўкилиши учун офтоб зарур. Бу манзаралар шеърнинг дунёга келишини кўз ўнгимизда гавдалантирган.

Шоирнинг фикрича, шеърят “кўзларнинг ачишидан”, шоир “қонининг ҳар томчисидан” дунёга келади. Бунинг учун “армоннинг хўп санчишидан”, “аламнинг ҳар қамчисидан” юрак тутдек тўкилиши, юрак қонлари томчи-томчи бўлиб тўкилиб кетиши керак. Шоир шеърятни таърифламайди. Шоирдаги ҳолат шеърятнинг қай тахлит яралишини шеърхонга намоён этади.

“Руҳият” шеъри эса Тилак Жўра оламини намоён қилувчи ўзига хос шеър сифатида таассурот қолдиради:

Бир яланглик бўлса,
Тўйиб-тўйиб бақирсанг,
Сўниб қолган руҳингни
Қалқиб-қалқиб чақирсанг!..
Титраса товушингдан
Димикқан бағринг, тананг,
Сочилиб дил ғубори
Қоядаги майсадай
Силкиниб турса шонанг [1,5].

Шоир “руҳим сўниб қолди”, “бағрим димикди” демайди. Иккинчи шахсга мурожаатдай туюладиган, лирик қаҳрамонга қарата айтилган бу фикрлар

шоирнинг даврдаги биқиқликка исёни, руҳининг ҳайқириғи ҳамдир. Зотан, бу шеър киритилган китоб истиклолдан олдин нашр қилинган:

Оҳ урсанг, оҳлар десанг,
Бу қандай замон, охир!
Тўйиб-тўйиб бақирмоқ,
Ёниб-ёниб чақирмоқ
Енди бир армон десанг.
Бир яланглик бўлса,
Айтиб-айтиб шуларни,
Учириб
Гала-гала қушларни
Тўйиб-тўйиб бақирсанг,
Куйиб-куйиб чақирсанг?!

Бу айнан Тилак Жўранинг руҳияти тасвири, тавсифи эканини англаш учун шоирнинг шахсиятини билиш зарурати кам. Негаки, зукко шеърхон учун шоир шеърлари ойналик вазифасини ўтайди:

Замонларнинг зулми-зўридан,
Ёғийларнинг қонли тўридан,
Тўрдай тугун халқнинг шўридан,
Нолалар қилдинг, нолали қушчам,
Ўз ҳолига ўзи волали қушчам,
Туркий титроғингга бунчалар ситам! [1,6]

Шоир “булбул” сўзининг маънодошларини қўллайди. Нега?! Маънони кучайтириш учунми? Ҳа. Аммо фақат бугина эмас. Бу “булбул” сўзининг маънодошлари қўлланган даврларни англатади. “Девону луғотит турк” дан ҳазрат Навоийгача бўлган туркий шеърятда “сандувоч”, Навоий шеърятидан XIX асргача “андалиб”, XX асрдан ҳозиргача “булбул” сўзи кўпроқ, кенгроқ қўлланилиб келинади. Шеърда “Туркий титроғингга бунчалар ситам” сатри такрор-такрор келтирилган экан, шеър композитсиясини бутунлаштириб турган сатр сифатида кўзга ташланади. Бу шеър шеърят, шоир, бадий сўз ҳақидаги шеър. Унда сюжет бор. “Туткунликда толиққан қушчам, Зорланиб-зорланиб зорикқан қушчам” – товуш такрори беаган бу сатр шеърнинг тугунини ҳосил қилган. Шоир воқеани ривожлантириб, булбулнинг толиқишига сабабларни кўрсата бошлайди. Зиддиятлар чўққиси сифатида келтирилган сатрларда нафақат ўз элининг, балки бутун туркийларнинг дард-у оғриқлари мужассамлашган:

Сайраб кучмоққа осмонинг йўқдир,
Яйраб кучмоққа ошённинг йўқдир,
Ташлаб кетмоққа маконинг йўқдир,
Осмони оғули,
Макони доғули
Қушчам,
Туркий титроғингга бунчалар ситам!

Шоир булбул – жажжи қушча нега толганини изоҳлашда, аниқлашда давом этади. Шеър сюжетидаги ечим юзага кела бошлайди. Эркисиз ватаннинг, нажотсиз элнинг шоири – булбулининг аҳволдан элни огоҳ этади. Бу шеърда сатрлар шу қадар тадрижий тарзда жойлаштирилганки, чуқур, тизимли таҳлил қилинса, йирик мақола юзага келади ва шоир шахсияти, унинг Ватанга муҳаббати, эрка ташналиги, маслаги аниқроқ ойдинлашади. Шеърнинг якуни элимизнинг феълига хос муҳим жиҳатларни таъкидлайди:

Ўзинимас ўзгани суйган –

Сандувочим – сарлочиним,
Туркий титроғим,
Туркий нафасим.
Руҳи осмонларда,
Ўзи
Бағримда ботин сасим –
Туркий титроғингга бунчалар ситам!

Биз бир лаҳза ҳам ором олмайдиган, тиним билмайдиган, куйманиб яшайдиган элмиз. Бу куйманиш оқибатида куйиб юрамиз. Энг оғири, шарафлиси – асрлар давомида элимизда ўзгармаган хусусият: ўзини эмас ўзгани ўйлайдиган элмиз. Булбулни тутсангиз ва авайламай, кўпол тарзда сиқиб ушласангиз, ундаги титрокни ҳис қиласиз. Бу титрок, шоир айтганидек, “Туркий титроғим”, “Туркий нафасим”, унга беҳисоб ситамлар қилинган. Бу ситамларни шеърга солиш, шўро даврида айтиш, чоп эттириш учун Тилак Жўра бўлиш керак эди.

Тилак Жўра шоир, шеърят ҳақида ёзар экан, улуг шоирларга эҳтиром кўрсатади. “Устоз Миртемирни эслаб”, “Чўлпон”, “Нозим Ҳикмат”, “Рауф Парфига” шеърларида шоирнинг улуг олам – шеърятга муносабати акс этган.

Халқимизда қарғанинг номи унинг лаънат олгани билан боғлиқлиги ҳақида яратилган афсона бор. М.Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида қарғиш сўзига ўзакдош “қирғағ” сўзининг “ғазаб”, “қаҳр” маъносида қўлланилгани изоҳланган. Шоир Тилак Жўра шу икки фикрдан фойдаланиб, қор ёғиши манзараси билан қаламнинг оқ варақни қора қилиши ҳолатини ўзаро ўхшатади. Бунинг биринчисидан қора нарсанинг оқ бўлиши, иккинчисидан, аксинча, оқ нарсанинг қора бўлиши англашилади. Қарғалар қора тусда бўлганлиги учун оппоқ қор узра юрса, тез билиниб, кўзга ташланиб қолади. Шоир шу ўхшаш ҳолатларни ёдга олиш орқали ўз руҳиятидаги қарама-қаршиликларни очиб беришга интилади.

Қаҳрим қағиллаган қарғадир,
Ўзимдан, кўзимдан йўрғадир.
Йўғрилиб-йўғрилиб лабимни тишлар,
Қор қоплаган қарғишлар [1,13].

Натижа. Тилак Жўра ўзбек шеърятига ўз қадамлари билан кириб келди. Фақат кўнгли тилаган сўзни айтди, ақли буюрган ишларни амалга оширди, асло иймонига зид сўзни оҳангга солмади, асло илми билан амалидаги бирликка путур етказмади. Бор-йўғи шаънига зид ишга рўпара келса, мавқеидан, орзусидан, манфаатидан кечса-кечди, аммо мунофиқлик остонасига яқин бормади. Шариф Бухоромизнинг Сайёд отлиғ маскани Тилак Жўра ҳаёти ва ижоди сабаб яна бир қарра машҳур бўлди, адабиёт муҳиблари хотирига муҳрланди. Аммо шоирнинг ўзи олимлик, шоирлик мақомидан бирор манфаат учун фойдаланмади. Ўжарликдай кўринган жиҳатлари аслида иймонда собитлик эканини исботлаб яшаб ўтди. Унинг шеърятини XX аср синовидан ўтиб, XXI асрга завол кўрмай кўчди. Бу шоир тирик эканини, ижоди орқали барҳаётлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тилак Жўра. Руҳият. Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 80 б.
2. Sharipova L.F. The use of water attributes in oral written poetry characters // AKADEMIC JOURNAL. 2021/2/11 №1. MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970. – P. 608-618.
3. Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б.148.